




# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 16 февраль, № 32 (6990)

Жума



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ «ЖЕНЕРАЛ ЭЛЕКТРИК» КОМПАНИЯСИ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 15 февраль куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган АҚШнинг «Женерал электрик» компанияси вице-президенти Рональд Жеймс Поллеттни қабул қилди.



«Женерал электрик» компанияси жаҳоннинг кўп тармоқли етакчи корпорацияларидан биридир. Бугунги кунда энергетика, машинасозлик, аниқ ускунасозлик, электр техникаси, автоматлаштирилган бошқарув тизимлари, замонавий тиббиёт технологиялари, молия ва бошқа кўплаб соҳаларда фаолият юртади.

Компания дунёнинг 180 дан ортиқ мамлакатда фаолият юритмоқда, унинг корхоналарида 300 мингдан зиёд киши меҳнат

қилади. Ўтган йил якунларига кўра, компания 120 миллиард доллардан зиёд даромад олган.

Учрашувда «Женерал электрик» компаниясининг мамлакатимиздаги фаолияти кенгайтириш бўлаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда энергетика инфратузилмаси объектиларини модернизация қилиш, жумладан, Тахياتош иссиқлик электр станциясида замонавий буғ-газ қурилмалари

ни қуриш, Тошкент иссиқлик электр станцияси қувватларини кенгайтиришнинг иккинчи босқичини амалга ошириш, Пском гидроэлектр станциясини барпо этиш, газ етказиш тизимини ривожлантириш борасида қатор устувор лойиҳалар, шунингдек, фуқаро авиацияси ва соғлиқни сақлаш соҳаларида қўшма дастурлар ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари энергетика тармоғидаги ўзаро манфаатли технологияли ҳамда

ишлаб чиқариш кооперацияси соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳимлигини алоҳида таъкидлади. Мамлакатимизда, жумладан, хорижий етакчи мутахассислари ва экспертларини жалб қилган ҳолда, юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Рональд Жеймс Поллетт Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул ҳамда юқори технологияли тармоқларда икки

томонлама ҳамкорликка доир лойиҳа ва дастурларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани учун чуқур миннатдорлик билдирди.

«Женерал электрик» компанияси мамлакатимиз корхона ва ташкилотлари билан узоқ муддатли ва кенг қўламли ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

Ў.А.

Елқин ШАМСИДДИНОВ  
олган суратлар.



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VA QIRGIZISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTLARINING TELEFON ORQALI MULOQOTI TUGRISIDA

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 15 февраль куни Қирғизистон Президентини Сооронбай Жээнбеков билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқот аввалида давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан бир-бирларини самимий кутладилар.

Ўтган даврда қардош халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли Ўзбекистон — Қирғизистон ҳамкорлигини салмоқли даражада кенгайтиришга эришилгани чуқур мамнуният билан қайд этилди.

Томонларнинг сиёсий иродаси ва амалий саъй-ҳаракатлари туфайли ўзаро муносабатлар стратегик шериклик даражасига етгани алоҳида таъкидланди.

2017 йилда уч марта олий даражадаги ташриф муваффақиятли амалга оширилди, уларнинг якуни бўйича ҳамкорликнинг долзарб масалаларига оид муҳим келишувларга эришилди, Ўзбекистон — Қирғизистон давлат чегаралари тўғрисида шартнома ва бошқа битимлар имзоланди.

Ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичлари жадал суръатларда ўсмоқда, ишлаб чиқариш кооперацияси кўлами кенгаймоқда. Транспорт коммуникациялари соҳасида, жумладан, Ўзбекистон — Қирғизистон — ХХР йўналиши бўйлаб автомобиль қатновини йўлга қўйиш ва темир йўл қиришга доир стратегик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Икки мамлакат ҳудудлари ўртасида самарали ҳамкорлик механизмлари йўлга қўйилди. Маданий-гуманитар соҳадаги алмашинувлар фаоллашди.

Мулоқотда давлат раҳбарлари олий даражадаги ўзаро ташрифлар давомида эришилган келишувларни ўз вақтида амалга ошириш зарурлигини қайд этдилар. Икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликнинг бошқа масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Мулоқот якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президентини Сооронбай Жээнбеков мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қатъий интилишини таъкидладилар.

Ў.А.

## МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

### «Ўғлим, албатта, ишонччи оқлайди!»

Шу кунларда Бухоро вилояти мудоффа ишлари бошқармаси йиғин пункти гавжум. Президентимизнинг 2018 йил 13 январдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақуриви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қурол-

ли Қучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, йигитлар армия сафларига жўнаб кетишаётди.

Уларни қузатиб қўётганлар орасида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатори ота-оналар ҳам бор.

(Давоми 3-бетда).

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

### МУҲИМ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Кун тартибига киритилган масалалар аввалроқ сиёсий партиялар фракцияларининг, Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, кўмиталар ва улар ҳузурда фаолият кўрсатаётган эксперт гуруҳларининг мажлисларида муҳокама қилинган эди.

Амалдаги қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини танқидий таҳлил этиш, фуқароларни ташвишлантираётган долзарб муаммоларни ўрганиш мақсадида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли ахборотни тақдим этишнинг замонавий шакллари жорий этиш каби масалалар стратегик ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди.

Чунончи, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ишчи гуруҳ ташкил этилиб, унинг таркибига сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи депутатлари, вазирликлар ва идораларнинг, фуқаролик

жамияти институтларининг вакиллари, амалиётчи мутахассислар, олимлар киритилди.

Бундан ташқари, кенг муҳокама қилиш мақсадида ушбу қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг www.parliament.gov.uz веб-сайтига жойлаштирилди. Мажлисида таъкидланганидек, муҳокама якунларига кўра келиб тушган таклифларнинг катта қисми қонун лойиҳасини маромига етказишда ҳисобга олинди.

Хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда ОАВда туркум нашрининг халқаро стандарти рақами (ISSN) бўлиши кераклиги ҳақидаги талабни қиқариб ташлаш таклиф этилди.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши, депутатлар таъкидлаб ўтишганидек, ОАВ фаолияти эркинлигининг, ахборотдан фойдаланишининг, мулк ҳуқуқининг, уни ҳимоя қилишининг давлат кафолатини белгилашга, шунингдек, ахборотни ўрганиш, уни узатиш, ундан фойдаланиш ва сақлашга доир ўз фаолиятини амалга ошириш борасида қўшимча ҳуқуқларни таъминлашга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

## Рональд Жеймс ПОЛЛЕТТ:

### ЎЗБЕКИСТОН ҲАР ТОМОНЛАМА УЛКАН САЛОҲИЯТГА ЭГА МАМЛАКАТ

Мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган АҚШнинг етакчи компанияларидан бири «Женерал электрик» корпорацияси вице-президенти Рональд Жеймс Поллетт юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва ўзаро ҳамкорлик истиқболлари ҳақида фикрларини билдирди:

— Аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул, мазмунли ва самарали мулоқот учун чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Мен Ўзбекистон Президенти билан учинчи мартаба учрашялман. Бугунги учрашувда Президент Жаноиб Олийлари компаниямиз Ўзбекистонга нафақат юқори технологияли ус-

куналар етказиши, балки уларни маҳаллийлаштириш имкониятларини ўрганиш, глобал таълим ресурслари ва «Женерал электрик» компанияси мезонларидан фойдаланган ҳолда мутахассислар тайёрлаш, малакасини оширишга оид дастурларни амалга ошириш масалаларига алоҳида тўхталди.

Ўзбекистонда рўй бераётган барча ўзгариш ва

янгилашларни, мамлакатнинг халқаро ҳамжамият билан тенг шериклик асосидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини алоҳида қайд этмоқчиман. Ўзбекистон халқи азалдан билими, меҳнатқашлиги ва юксак салоҳияти билан машҳур. Биз мана шундай кенг имкониятларга эга мамлакатда фаолият бошлаган хорижий компаниялардан бири бўлганимиздан мамнуним.

Кейинги вақтларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли иқтисодий ислохотлар, сармоядорлар учун яратилган қўлай инвестициявий муҳит ва имтиёзлар АҚШ ишби-

лармонларининг ҳам мамлакатингиз билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қизиқшини оширмоқда. Хусусан, валюта сиёсати, жумладан, эркин конвертация тизими жорий этилгани, аэропортларда «яшил йўлак» йўлга қўйилгани хорижий ишбилармонлар ва сайёҳлар учун кенг имкониятлар яратди.

Ўзбекистон менга жуда ёқди. Айниқса, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қадимий шаҳарлар ҳақида кўп ўқиганман. Қани эди, имкони бўлса, бемалол томоша қилардим. Бу менинг орзумим.

Ў.А.

## ДАВРА СУҲБАТИ

Пойтахтимизда Олий Мажлис ҳузурдаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамда Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси ҳамкорлигида «Менинг фикрим» веб-портали концепцияси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

### «Менинг фикрим» веб-портали концепцияси муҳокама қилинди

Анжуманда ушбу портал мамлакатимизда халқчил принципларни янада ривожлантириш, давлат ва жамиятни бошқаришда фуқаролар иштирокини кенгайтириш ва давлат ҳокимияти органларининг очиклигини таъминлашга хизмат қилиши қайд этилди. Бу веб-портални тузиш Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион фоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида илгари сурилган

вазифалардан бири бўлиб, ўтган даврда шу асосда муайян ишлар амалга оширилди. Иштирокчилар эътироф этганидек, мазкур веб-портал, аввало, мамлакат парламенти томонидан сайловчилар, умуман, барча фуқаролар билан ўзаро мулоқотларни ўрнатишда самарали механизм бўлган «электрон парламент» тизимини ривожлантириш имконини беради.

(Давоми 2-бетда).

## Халқаро меҳнат ташкилоти:

### Ўзбекистонда болалар меҳнатидан фойдаланишга буткул барҳам берилган

Ўтган йил сентябрь ойида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича таъсирчан чоралар қўрилганини алоҳида таъкидлаган эди.

13 февраль куни Халқаро меҳнат ташкилоти расмий сайтида эълон қилинган «Ўзбекистонда 2017 йилда пахта ҳосили йиғим-терими пайтида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича чора-тад-

бирларнинг мустақил мониторинги» («Third-party monitoring of measures against child labour and forced labour during the 2017 cotton harvest in Uzbekistan»)да юртимизда бу борада олиб борилаёт-

(Давоми 2-бетда).



# Сара уруғ — самарадорлик омили

Халқимиз ерга, деҳқончилик ва чорвачиликка ўзгача меҳр кўйган, пахтачилиги галлачилик, боғдорчилик ҳамда пиллабликнинг ҳадисини олган. Буни биргина ўтган йили фермер ва деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли мамлакатимиз бўйича 8 миллион 377 минг тонна галла, 2 миллион 930 тоннадан зиёд пахта ҳосили, 12 минг 450 тонна пилла, 318 минг тонна шоли, 23 миллион тонна мева-сабзавот, 13 миллион тонна гўшт ҳамда сут маҳсулотлари етиштирилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

## СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

2017 йилда биринчи марта галладан бўшаган қарийб 1 миллион гектар майдонда сабзавот, картошка, полиз ва дуккакли экинлар парваришланиб, улардан 5,5 миллион тоннадан ортиқ ҳосил олинди. Айни чоғда 34 минг гектар пахта ва 10 минг гектар галла майдонлари ўрнига озука ҳамда мойли экинлар экилиб, интенсив бог ва тоқзорлар барпо қилинди. Шунинг ўзидек, Президентимиз эътироф этганидек, соҳанинг меҳнати қанчалик шарафли, нони эса қанчалик тотли ҳамда ширин эканини тасдиқлайди.

ишини енгиллаштириш, аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун соҳага инновацияларни кенг жорий қилишни, илм-фан ва селекция ютуқларидан янада унумли фойдаланишни тақозо этмоқда.

Экспертлар фикрича, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда илм-фан ҳаёт талабларидан орқада қолаётгани олдимизда турган жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Шу боис ҳам Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасида селекция ишларини оқилона ва самарали йўлга қўйиш, соҳага илм-фан ютуқлари, инновацион ишланмаларни кенг жорий этиш зарурлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган эди. Ҳозирги кунда юртимизда 51 фозидан зиёд аҳоли қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Бироқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улуши 17 фозидан ошмайди. Аграр соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми эса 10 фозга ҳам етмайди. Холбуки, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 50 фозидан ортиқни ташкил этади. Шу боис ҳам Юртбошимиз

қишлоқ хўжалигини янада ислоқ қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш зарурлигига алоҳида тўхтади.

Албатта, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда селекция соҳасида муайян натижаларга эришилди. Бунда, айниқса, соҳага оид қабул қилинган эликдан ортиқ қонун ҳужжатлари муҳим аҳамият касб этди. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳаётга татбиқ қилиниши натижасида мамлакатимизда табиий-иқлим шароитга мослаштирилган эрта-пилла, серҳосил навларни яратиб, кўпайтириш, қишлоқ хўжалигини юқори сифатли уруғликлар билан таъминлаш, уруғчиликда жажон тажрибаси ютуқларидан фойдаланиш борасида самараларга эришилгани ҳам бор гап. Масалан, ўтган йили қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчиликни комплекс ривожлантиришни янада яхшилашда замонавий ҳамда илгор агротехнологияларни жорий этиш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қарашли Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти томонидан 21,5 тонна сабзавот ҳамда полиз уруғлари етиштирилиб, фермер ва деҳқон хўжалиқлари га етказиб берилди.

Бироқ Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан амалдаги қонун ҳужжатини яқини бўйича олиб борилган ўрганишлар, қолаверса, олимлар ҳамда мутахассислар билан ҳамкорликдаги изланишлар соҳада қатор муаммолар борлигини

кўрсатмоқда. Масалан, соҳанинг таъминоти ва бошқарув тизими ҳозирги замон талабига тўла жавоб беради, деб бўлмайди. Уруғлик етиштирувчи фермер хўжалиқлари фаолиятини мувофиқлаштириш тизими эскирган сифатли уруғлик ҳамда пахта ва галла етиштиришда камчиликларга йўл қўйилишига сабаб бўлмоқда. Ўрганишларимиз гўза, бошоққал дон экинлари уруғчиликнинг жамғариш, қайта ишлаш, сақлаш, фермер хўжалиқлари га етказиб бериш ишлари қоникарсиз ташкил этилганини ҳам кўрсатди. Жумладан, уруғлик пахта ҳамда донни навлар ва авлодлар бўйича алоҳида жамғариш, амалдаги стандарт талабларига мос равишда сақлаш ҳамда қайта ишлаш ишлари етарли даражада ташкил этилмагани оқибатида уларнинг сифатини таъминлашга эришилмапти.

Яна бир мисол: кейинги йилларда республикада шולי селекцияси, уруғчилиги ва парвариш-лаш агротехникасида тизимли тадбирлар амалга оширилмагани, шולי майдонларининг қисқариши натижасида аҳолининг гуручга бўлган талаби қондирилмаслиги мазкур маҳсулот нархи ошишига олиб келмоқда. Ёки мамлакатимизда уруғчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалиқларида ем-хашак экинлари уруғчилиги бўйича вазифалар талаб даражасида бажарилмаптир. Бундан ташқари, уруғчилик ва уруғшунослик соҳасида юқори илмий малакага эга кадрлар етишмаслиги боис соҳада илмий тадқиқот

ишлари етарлича олиб борилмапти. Бу ҳам соҳада муаммолар чуқурлашишига асосий сабаблардан биридир.

Табиийки, мазкур муаммоларни ҳал этишда давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, аниқ чора-тадбирларни кўришни вақти келди. Бунда, авваламбор, мамлакатимиз турли тупроқ-иқлим шароитига мос, ҳосилдор, тезпишар, тола сифати жаҳон андозаларига мос, абиотик ва биотик омилларга бардошли ўрта ҳамда ингичка толали навлар яратишга эътиборни қучайтириш мақсадга мувофиқ. Айни пайтда элита уруғчилиги хўжалиқлари фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги экинлари навларини илмий асосда жойлаштириш, алмашлаб экиш тизимини жорий этиш, тизимда назоратни қучайтириш, соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳам долзарб саналади.

Умуман, Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши қишлоқ хўжалигида самарадорлик ва рентабеллигини ошириш халқимиз турмуш даражасини янада яхшилаш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

**Баҳодир ТОҲИЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси Сенатининг**  
**Аграр, сув хўжалиги масалалари**  
**ва экология қўмитаси раиси**  
**Ўринбосари.**

Бутунжаҳон антидопинг агентлиги (WADA) президенти:

## «Ўзбекистонда допингга қарши кураш бўйича олиб борилаётган ишлар юксак баҳога лойиқ»

Шу кунларда дунё аҳлининг асосий эътибори Жанубий Кореянинг Пхёнчхан шаҳрида бўлиб ўтаётган XXIII қишки Олимпиада ўйинларига қаратилган. Ушбу йирик анжуманда жаҳоннинг етакчи спорт ташкилотлари, юзга яқин қатнашчи мамлакатлар орасида Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этмоқда.

### ЭЪТИРОФ



AGENCE MONDIALE ANTIDOPAGE

Олимпиада дастури доирасида Сеулда Корея Республикаси Маданият, спорт ва туризм вазирлиги томонидан спорт соҳаси мутасаддилари учун "Жамиятда спорт кадрларини ривожлантириш" мавзусида конференция ташкил этилди. Унда допингларсиз ҳалол спортга эришиш, мусобақалардаги фирромликларнинг олдини олиш, спорт кадрларини ривожлантириш каби масалалар ҳақида сўз борди.

Конференция якунида Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти Умид Аҳмаджонов Бутунжаҳон антидопинг агентлиги (WADA) президенти Крейг Риди билан учрашди. Мулоқот чоғида томонлар ўртасида ўзаро дўстона алоқаларни ўрнатиб, Олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш бўйича ҳамкорлик ришталарини

мустаҳкамлаш юзасидан келишувга эришилди.

— Ўзбекистонда допингга қарши кураш бўйича олиб борилаётган ишлар юксак баҳога лойиқ, — деди WADA президенти. — Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг шу йил қабул қилган Миллий антидопинг агентлиги фаолиятини ташкил этиш бўйича қарори Бутунжаҳон антидопинг агентлигининг кодекс ва стандартларини самарали амалга оширишга хизмат қилади. Асосийси эса мамлакатимизда спорт соҳасида соғлом муҳитни яратиш, спортчилар орасида ҳалоллик ва ҳақонийлик фазилатларини янада қучайтиришни таъминлайди. Мени Ўзбекистонга тақлиф қилганингиздан жуда мамнунман ва буни бажонидил қабул қиламан. Ўйлайманки, иш тақвимидан келиб чиққан ҳолда яқин ойлار ичида юртингизга таширф буораман.

**«Халқ сўзи» мухбири**  
**Омонулла ФАЙЗИЕВ**  
**тайёрлади.**

## ТАШАББУС

Халқаро аҳамиятдаги "М-34" автойўлининг Гулистон — Янгиер шаҳарлари ўртасидаги қисми атрофига 10 минг тупдан зиёд манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

## Йўл бўйида настарин гуллайди

Натижада йўлнинг ушбу масофаси четларидаги яёдоқ жойлар, ҳадемай, яшилликка бурканади. Айтиш лозимки, бу яқинда фаолият бошлаган "Сирдарёйўлқўқалма" унитар корхонасининг дастлабки ташаббусидир.

— Президентимиз ўтган йили Сирдарё вилоятига ташириб чоғида "М-34" автойўлининг Гулистондан Даштободгача бўлган қисми атрофини кўкчалмзорлаштириш бўйича топшириқ берганиди, — дейди "Сирдарёйўлқўқалма" унитар корхонаси бош агрономи Равшан Беркинов. — Айни чоғда ушбу вазифани аниқ чора-тадбирлар асосида амалга ошираёلمиз. Хусусан, дарахт парваришланадиган майдонларни текислаш, суғориш тизимини яратиш, тупроқни ниҳол учун зарур бўлган ўғитлар билан тўйинтириш ишларига алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Масалан, Гулистон ва Даштобод оралиғидаги ариқ ҳамда каналлардан йироқ жойларда 11 тик қудуқ қазилди. Бу эса ўтказилган кўчатларни ўз вақтида суғориш имкониятини яратди.

Эътиборлиси, йўл четларига ниҳол қадашда ҳам янгилаш ёндашув кузатилмоқда. Дейлик, биринчи қаторда настаринлар ўзининг ажиб гуллари билан ҳайдовчи ва йўловчиларга завқ бағишласа, иккинчи қатордаги арчалар домий яшилликни таъминлаб туради. Кейинги сафлардан эса яна бир неча турдаги манзарали дарахтлар ўрин эгалламоқда. Яна бир жиҳат шуки, йўл бўйларига ўтказилаётган ниҳоллар худуднинг ўз ўрмон хўжалигида парваришланган бўлиб, улар маҳаллий ер шароити, хусусан, шўроқ тупроқда ҳам тутиб кетади ва барабав ривожланади.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Хушёрлик — «тилсиз ёв»га тўсиқ

Кексаларимиз дуога қўл очганларида, "Ўт балосидан асрасин" дея ният қилишди. Бу бежиз эмас. Зеро, "тилсиз ёв" туфайли нафақат моддий бойликлар кулга айланиб, халқ хўжалигига зиён этади, балки инсонлар ҳаётига ҳам катта хавф тугилади.

### ЭЪТИЁТ-ШАРТ!

Шу нукта назардан, аҳоли масканлари ва иқтисодий корхоналарини, бино-иншоотлар ҳамда маҳсулотларни ёнғиндан асраш ҳар бир ташкилот жамоаси ва фуқароларнинг бурчига айланмоғи лозим. Бироқ, таассуфки, айрим тадбиркорларимиз ёнғин хавфсизлиги талабларига ҳамisha ҳам риоя этавермайдилар. Хусусан, ана шундай локалийлик туфайли Миробод тумани, Қўшқўприк кўчаси, 22-уйда жойлашган "Қўш тили" МЧЖ биносиди ёнғин келиб чиқди ва

натижада бино томининг 350 кв.м. қисмидаги ёғоч панжаралар яроқсиз ҳолга келди. Бундан ташқари, С. Азимов кўчаси, 74-уйда жойлашган "Инагамов миллий таомлари" МЧЖга қарашли ошхона биносиди юз берган ёнғин бино шифти ҳамда томига зарар етказди.

Президентимизнинг "Ички ишлар органлари ёнғин хавфсизлиги бўлимлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларини бажариш ва юқори-

даги каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар Миробод тумани Ёнғин хавфсизлиги бўлими томонидан ҳафтанинг ҳар чоршанба кўни туманда жойлашган маҳалла ҳамда бошқа масканларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан тушунтириш ва суҳбатлар олиб борилиб, фуқаролар лоқайд бўлмасликка, ёнғин хавфсизлиги қоида ҳамда талабларига қатъий риоя қилишга чақирилмоқда. Айтиш жоизки, ушбу саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини бера бошлади. Одамларимизнинг бу борадаги хушёрлиги олишиб, жойларда ёнғин ҳолатлари сезиларли даражада камайишига эришилаптир.

**Жасур ТЎРАБОВЕВ,**  
**Миробод тумани ЕХБ инспектори,**  
**кичик сержант.**

## Ўт ўчириш велосипеди яратилди



Устюрт кенгликларида жойлашган "UZ-KOR Chemical" масъулияти чекланган жамиятида ёнғиндан муҳофаза қилиш борасида янги ихтиро — кузатув велосипеди яратилди.

Икита ўт ўчириш баллони, қўтқариш арқони, болга, чирок, шланг, багор, лом, тиббий қутича, кигиз, сув идиши, овоз қучайтиргич каби зарур жиҳозлар велосипедга шундай жойлаштирилганки, ходим унда худуд бўйлаб кузатув ишларини бемалол олиб бораверади. Корхонанинг 105 гектарлик худудиди бу жуда зарур.

— Ёнғин ўчириш дастаги ҳам инновацион гоа маҳсули, — дейди ихтирочи лейтенант Султонбек Тангибергенов. — Томларнинг металл тунука билан қоплангани ҳам энди ёнғинни ўчиришда мураккабликлар туғдирмайди, барчасини ҳисобга олганмиз.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Тошкент кимё-технология институти

куйидаги кафедраларнинг профессор-ўқитувчи лавозимларига шартнома асосида танлов эълон қилади:

- **Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси кафедраси:** профессор, доцент, ассистент.
- **Нефть ва газни қайта ишлаш кимёвий технологияси кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
- **Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси кафедраси:** катта ўқитувчи, ассистент.
- **Органик кимё ва оғир органик синтез технологияси кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
- **Ноорганик моддалар кимёвий технологияси кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
- **Силикат материаллар технологияси кафедраси:** доцент, ассистент.
- **Аналитик, физикавий ва коллоид кимё кафедраси:** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
- **Саноат экологияси кафедраси:** катта ўқитувчи, ассистент.
- **Кимёвий технологик жарайн ва қурилмалар кафедраси:** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
- **Умумий ва ноорганик кимё кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
- **Озиқ-овқат хавфсизлиги кафедраси:** катта ўқитувчи.
- **Биотехнология кафедраси:** доцент.
- **Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси кафедраси:** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
- **Информатика, автоматлаштириш ва бошқарув кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
- **Озиқ-овқат саноати машина жиҳозлари-механика асослари кафедраси:** катта ўқитувчи, ассистент.
- **Саноат иқтисодиёти ва менежменти кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
- **Маҳсулот сифати менежменти кафедраси:** катта ўқитувчи, ассистент.
- **Касбий таълим кафедраси:** доцент, ассистент.
- **Тиллар кафедраси:** катта ўқитувчи, ўқитувчи.
- **Ўзбекистон тарихи ва сиёсий фанлар кафедраси:** катта ўқитувчи, ўқитувчи.
- **Фалсафа ва маънавият асослари кафедраси:** профессор, катта ўқитувчи, ўқитувчи.
- **Физика ва электротехника кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
- **Олий математика кафедраси:** доцент, ассистент.
- **Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси:** ўқитувчи.

Юқоридаги лавозимларга тегишли номзодлардан ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой мuddат мобайнида қабул қилинади.  
Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй, кадрлар бўлими.  
Телефон: (0-371) 244-79-31.

## Иситиш ва ҳавони алмаштириш 7-халқаро кўргазма




2018 йил 28 февраль — 2 март

Ўзбекистон, Тошкент шаҳри,  
«Ўзэкспомарказ» МКК, 3-павильон

www.aquatherm-tashkent.uz

Дастлабки икки кун фақат соҳа мутахассислари тақлиф этилади!



Ташкилотчи:

ITECA EXHIBITIONS  
Тел.: (0-371) 205-18-18.  
E-mail: aquatherm@ite-uzbekistan.uz



ONLINE  
РЎЙХАТДАН  
ЎТИНГ

**O'ZSANOATQURILISHBANK**

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ мижозлар ва фуқаролардан келиб тушган таклифлар, уларнинг хоҳиш-истаклари ҳамда эҳтиёжларига таяниб, истеъмоладан кредит турларини янада кўпайтирди. Банкка тақдим қилинадиган хужжатлар сони ҳам кескин камайтирилиб, кредитни қисқа муддатда бериш энг асосий вазифа этиб белгиланди.

Истеъмоладан кредит олиш ниятидаги фуқаролар ортқиқна қозғабозликлардан холи бўлган ҳолда, молия муассасасига, бор-йўғи, паспорт нухсаси, охириги 12 ой мобайнидаги даромадлари тўғрисида маълумотнома, таъминот (кафил) хужжатлари

ва харид қилинаётган товар олди-сотди (кўрсатилаётган хизмат) шартномасини тақдим этишлари кифоя. Қолаверса, мижозлар учун янада қулайлик яратиш мақсадида мазкур кредитлар бошланғич бадалсиз 3 йил муддатгача имтиёзли равишда бериладиган бўлди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан тақдим қилинаётган “overdraft” кредитини алоҳида қайд этиш жоиз. Ушбу кредитнинг қулай томони шундаки, эндиликда фуқаролар ойлик иш ҳақини аввалдан олиш имкониятига эга бўладилар. Яъни хужжатларни расмийлаштириганидан сўнг ўз эҳтиёжига қараб, банкка келмасдан, куннинг исталган вақтида, онлайн тарзда, 1-2 дақиқа ичида маблағни юклар олишлари мумкин. Бунинг учун фақатгина кредит олувчи шахс

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан иш ҳақи олиш учун тақдим қилинган “Uzcard” пластик картасига эга бўлиши лозим. Кредит пластик картага “UzPSB Mobil” иловаси орқали электрон сўроғга асосан, тўғридан-тўғри ўтказилади. Шу билан бирга, ушбу картага юкланган маблағни эҳтиёжга қараб, ҳеч қандай чекловларсиз ишлатиш мумкин.

Яна бир муҳим янгилик. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ мижозларга тезкор, сифатли ва қулай бўлган хизмат кўрсатишини янада яхшилаш мақсадида тушликсиз фаолият кўрсатиш тизимини жорий қилди. Эндиликда мижозлар мазкур тизим орқали тушлик вақтида ҳам (соат 13.00 дан 14.00 гача) ҳеч қандай тўсиқларсиз бемалол банк хизматларидан фойдаланишлари мумкин.



2018 ЙИЛ – ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҲАМДА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

# ЗАМОНАВИЙ ВА ИННОВАЦИОН

банк хизматларини тақдим этаётган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ мижозлари ишончини янада кўпроқ қозониш йўлида фаолият кўрсатмоқда

Сўнгги пайтларда юртимизда тадбиркорлик бўлган қизиқиш янада кучайди. Чунки ўтган қисқа вақт мобайнида кўплаб меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилиниб, бизнес фаолиятини бошлаш истагидагилар ташаббуси ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этувчи қатор тузилмалар ташкил қилинган, бизнес вакилларига қўшимча имтиёзу энгиликлар берилётгани, тижорат банкларида кредит олиш тизими соддалаштирилётгани бунда муҳим аҳамият касб этаётди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таклифи билан Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг мантикий давоми сифатида номланган Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида ҳам тижорат банкларида ҳар бир оила билан самарали

мулоқотни йўлга қўйиш, фуқароларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишига кенг имконият яратиш, уларга молиявий кўмак ҳамда мадад бериш асосий устувор вазифа этиб белгилангани ҳам бежиз эмас. Шу мақсадда юртимиз банк-молия тизими фаолияти қайтадан қўриб чиқилиб, улар томонидан тадбиркорлик субъектлари учун қўллаб имтиёзлару имкониятлар яратилмоқда.

Табиийки, бундай янгиликлар жараёнида “Ўзсаноатқурилишбанк” ҳам ҳар бир фуқаронинг ўз куч ва имконияти, қобилияти ҳамда салоҳиятини рўёбга чиқариши учун кўмаклашиш, халқимизни тадбиркорликка ўргатиш ва етаклашга ўз фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратаётди. Бунинг тадбиркорларнинг “Ўзсаноатқурилишбанк” жамоасининг бугунги фаолияти ҳақидаги фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин.



танловим аниқ, аммо галдаги жараён асбоб-ускуналарни сотиб олиш билан боғлиқ эди. Тадбиркорлик билан шуғулланиб юрганлар яхши билади: янги лойиҳа таваккалчилик асосида бошланади. Бу жараёнда катта пул тикилиб, унинг даромадини йиллар давомида кутиш зарур. Шу боис вилоятимиздаги мавжуд тижорат банкларининг тақдим этаётган имтиёзли ҳамда қулай кредит турлари билан бирма-бир танишиб чиқдим. Ушбу жараён кўп вақт талаб қилган бўлса-да, ўз фойдасини ҳам берди. Яъни худудимиздаги банк-молия муассасалари орасида лойиҳа учун ҳар томонлама қулай, ишончли ва имтиёзларга бой бўлган “Ўзсаноатқурилишбанк”ни танладим. Пухта ишланган бизнес лойиҳа ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг вилоятимиздаги минтақавий филиали томонидан ажратилган 1,3 миллион АҚШ доллари эвазига Хитой, Бельгия, Туркия давлатларининг соатиға 3-4 тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қуриштириш, кесиш, саралаш ҳамда қайта ишлаш имкониятига эга бўлган энг илғор асбоб-ускуналарини олиб келдик.

РЕКЛАМА ҲАҚИДА

## ЭНГ ЯҚИН КўМАКЧИМИЗ

**Евгений ЕРОФЕЕВ, Кармана туманидаги “Navoi Cable Connector” МЧЖ шаклидаги кўшма корхона раҳбари:**

— Гувоҳи бўлиб турибмиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ўз бизнесини йўлга қўйиб, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтироқчи бўлган ишбилармонлар учун кўплаб имкониятлар яратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 28 март куни вилоятимизга ташрифи чоғида худуд тадбиркорлари билан учрашиб, дилдан сўхбатлашдилар, ишларимиз билан яқиндан танишиб, фаолиятимизни янада такомиллаштириш бўйича зарур кўрсатма ва тавсиялар бердилар. Уша мулоқотда мамлакатимизда яратиш ҳамда яшатиш ишчи билан ёниб яшаётган, одамлар учун икитига бўлса-да, иш ўрни очган инсонни бошимга кўтаришга тайёрман, деган сўзларини эшитиб, қалбим чексиз гурурга тўлганди. Ушбу эзгу давлат барча қатори менинг кўнглимда ҳам янада кўпроқ меҳнат қилиб, оилам ва юртим тарақиёти учун хисса қўшишга иштиёқ уйғотди.

Вилоятимизда жаҳон бозори талабларига мос, экспортдоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги меҳнат жойлари яратишга алоҳида эътибор қаратил-

моқда. Кўпдан буён кабель маҳсулотлари тайёрлашга мўлжалланган асбоб-ускуна харид қилиб, корхонамиз фаолиятини кенгайтириш ниятим бор эди. Тажрибалардан аёнки, янги лойиҳани пухта ҳамда рақобатдош этиб тайёрлаш учун инновацион ғояларни ўрганиш талаб қилинади. Шу мақсадда мазкур соҳанинг етакчилари ҳисобланган Хитой, Германия, Туркия сингари давлатларда бўлиб, уларнинг иш услубини ўргандим. Ҳисоб-китобимга кўра, лойиҳани ҳаётга татбиқ этишда зарур бўлган ускуналарнинг умумий қиймати 7,6 миллион АҚШ долларини ташкил қилар экан. Корхона ҳисобида 5 миллион АҚШ доллари миқдориде маблағ бўлиб, қолган суммани қаердан олиш муаммо эди. Шундан сўнг молиявий кўмак сўраб “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Навоий вилояти минтақавий филиалига бордим. Мутасаддиларга бизнес-режамни билдирдим. Банк ходимлари лойиҳани ўрганиб чиқиб, қисқа фурсатда 2,6 миллион АҚШ доллари миқдориде кредит маблағини ажраттиди.

Ушбу маблағ кўмагида йилига 5,4 минг км. кабель ҳамда 10 минг дона муфта тайёрлашга мўлжалланган, Европанинг энг сўнгги ва

замонавий асбоб-ускуналар комплексини харид қилдим. Айни пайтда корхонамиз томонидан сифатли кабель маҳсулотлари тайёрланиб, ички ҳамда ташқи бозорларга етказиб берилмоқда.

Лойиҳа доирасида Хитой Халқ Республикасининг “Gulf Cable Trading Company” ва “Prime ML International Trading Company” корхоналари билан дастлабки экспорт шартномаларини ҳам имзоладик. Келгусида Марказий Осиё ҳамда бошқа давлатларга 3,2 минг км. кабель маҳсулотларини экспорт қилишни ва ундан 24,2 миллион АҚШ доллари миқдориде даромад олишни режалаштирганимиз.

Дарвоқе, тайёрлаётган маҳсулотларимиз ички бозорга чиқарилиши баробарида, экспортга ҳам йўналтирилаётгани натижасида йигирма икки нафар юртдошимизнинг бандлиги таъминланиб, шунча оилага кўт-баракка кирмоқда. Хайрли ишларимиз бошида туриб, имкониятлар эшигини очиб берган “Ўзсаноатқурилишбанк”дан миннатдоримиз. Банкининг молиявий кўмаги сабаб амалга ошираётган лойиҳаларимиз юртдошлари-

мизга, оз бўлса-да, хурсандчилик улашиб, наф келтирса ва энг асосийси, Президентимизнинг тадбиркорларга яратиб берган имкониятлари ҳамда билдирган ишончларини оқлашга хизмат қилса, ана шунинг ўзи биз учун катта бахт!

**БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ:**

- Мазкур банк 2018 йилда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 1300 та лойиҳани амалга оширади. Бунинг учун 938 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилиши режалаштирилган.
- Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ишлари жорий йилда ҳам изчил давом эттирилади. Кичик бизнес вакилларига 2018 йилда 1,8 триллион сўмлик кредитлар, жумладан, 180 миллиард сўмлик микрокредитлар ажратилади.
- Шу йилда инвестиция кредитлари ҳажмлари янада оширилади. Бунинг учун 4 триллион сўм миқдориде кредитлар йўналтириш кўзда тутилган.

## Меҳнатларим зое кетмади

**Шерали УМИРОВ, Бўка туманидаги “Аgro invest TNA” МЧЖ раҳбари:**

— Бугун юртимизда ҳалол меҳнат қилиш, фаол тадбиркорлик билан шуғулланиш учун етарли шароит ва имкониятлар мавжуд. Бунинг қадрига этиб, ундан самарали фойдаланаётган тадбиркор учун барча йўл очик. Бунга мен бир тадбиркор сифатида ўз фаолиятим мисолида гувоҳ бўлиб турибман.

Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорлик йўналишига қаратилган эътибору ғамхўрликлар, хусусан, жорий йилнинг “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши биз, ишбилармонлар шижоатининг янада ўсиши, янгидан-янги ғояларни илгари суришимиз учун куч бермоқда.

Давлатимиз раҳбари жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ислохотлар жараёни, йирик лойиҳаларга қизиқиш ва аҳоли билан мулоқот қилиш мақсадида шу йилнинг 5 январь куни вилоятимизга ташриф буюрганди. Ташриф давомида барча соҳа қатори, тадбиркорлик йўналишига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, вилоятда ўз бизнесини йўлга қўйиб, уни кенгайтироқчи бўлган фаол тадбиркор ҳамда ишбилармонлар учун имтиёз ва имкониятлар кўлами янада кенгайтирилиши билдиргандилар.

Бу ғамхўрлик ҳақида эшитиб эканман, анчадан бери мўлжаллаб юрган, қуруқ мева ҳамда сабзавотларни тайёрлашга ихтисослаштирилган лойиҳани ҳаётга татбиқ этишга аҳд қилдим. Бунинг учун, аввало, мазкур йўналишда юртимиз ва хорижий мамлакатлар тажрибаси билан яқиндан танишимиз. Ҳамда Туркия давлатларининг иш тажрибаси мени қизиқтириб қўйди ва лойиҳа учун махсус ускуналарни ушбу мамлакатлардан сотиб олишни режалаштирдим.

Ускуналар хариди бўйича

### Мижоз халқаро пул ўтказмалари тизими орқали келган маблағларни ўз истагига кўра, қуйидаги талаблар бўйича олиши мумкин:

- нақд чет эл валютасида;
- нақдсиз кўринишдаги чет эл валютасида, яъни мижоз номига очилган чет эл валюта омонат ҳисоб рақамига ёки унинг номига очилган чет эл валютасидаги халқаро пластик картасига ўтказиб берилиши;
- нақд миллий валютада;
- нақдсиз кўринишдаги миллий валютада, яъни мижоз номига очилган миллий валюта омонат ҳисоб рақамига ёки унинг номига очилган миллий валютадаги пластик картасига ўтказиб берилди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

### Мижоз халқаро пул ўтказмалари тизими орқали ўз маблағларини қуйидаги талаблар бўйича жўнатиши мумкин:

- нақд чет эл валютасини топшириш орқали;
- нақдсиз кўринишдаги чет эл валютасида, яъни мижоз номига очилган чет эл валютаси омонат ҳисоб рақамидан ёки унинг номига очилган чет эл валютасидаги халқаро пластик картасидан маблағлар ечиб олиниб, жўнатиш;
- нақд миллий валютада (конвертация);
- мижоз номига очилган миллий валюта омонат ҳисоб рақамидан ёки унинг номига очилган миллий валютадаги пластик картасидан (конвертация).

Ф. САНАЕВ тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган.

**Халқ сўзи Народное слово**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 245. 139 555 нухсала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибхона (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Телефонлар: 233-10-28; 232-11-15.

Ташрифта келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обуванни расмийлаштириш ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғас томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсул.

Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев. Навбатчи — Ю. Бурунов. Мусахҳх — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. УЗА якуни — 23.10 Топширилди — 00.30 1 3 4 5 6